

## СУВДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 4 январь кун қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Сув танқислиги тобора кучаяётган бугунги замонда мамлакатимизда уни қадрлаш, тежаб фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнги йилларда 472 минг гектар ер томчилатиб ва 48 минг гектари ёмғирлатиб суғоришга ўтказилди, 97 минг гектарда бошқа сув тежовчи технологиялар жорий қилинди. 649 минг гектар ер лазерли текисланди.

Шундай чора-тадбирлар натижа-сида биргина 2023 йилда 2 миллиард куб метр сув тежалган. Бу Бухоро вилоятининг бир йиллик сув сарфиға тенгдир.

Ушбу ишлар кўламини янада кенгайтириш ҳаракатларига тизимдаги айрим муаммолар ҳалал бермоқда. Масалан, туман ирригация бўлимларининг ваколатлари хўжаликлараро каналлар билан чекланган. Сув етказиш хизматлари самарали молия-лаштирилмаган. Тежамкор ускуналар

ўрнатиш учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар фермерларни ўзига жалб қилмайди.

Шу боис, давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, куйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, туман ирригация бўлимлари ва махсус хизматлар негизда “Сув етказиб бериш хизматлари” давлат муассасалари ташкил қилинади. Улар экскаватор ва бошқа техникалар билан таъминланади. Бу суғориш тармоқларига хизмат кўрсатиш ишларини икки баробарга арзонлаштиради.

Шунингдек, барча суғориш тармоқларини хатловдан ўтказиш, эгалари бўйича бириктириш ҳамда ҳар бирининг ягона идентификацион рақамини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, жорий йилдан далагача етказилган 1 куб метр сув учун солиқ 100 сўм этиб белгиланди. Кўпчиликнинг онгида ўрнашиб қолган “сув –

текин” деган тушунчани ўзгартириш вақти келди.

Сув истеъмолчилари билан ҳисоб-китобни шу тамойил асосида йўлга қўйиш таклиф қилинмоқда. Жумладан, 2025 йилдан бошлаб, далада сув ҳисоблагич ўрнатган ва тежамкор технологияларни қўллайдиган фермерлар учун солиқ коэф-фициенти камайтирилади. Аксинча ҳолатларда эса оширилади. Шу билан бирга, сув етказиб бериш учун тўловлар бекор қилинади.

Йиғилишда сув тежовчи техноло-гияларни жорий қилишни рағбатлан-тириш чоралари ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бунинг учун имтиёзли кредит линияси ташкил қилинмоқда. Хусусан, кредитлар 2 йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга 14 фоизлик ставкада ажра-тилади. Қорақалпоғистон Республи-каси ва Хоразм вилоятидаги лойиҳа-лар учун эса 10 фоиз бўлади. Кредит олишда фермерлардан мол-мулк га-рови талаб қилинмайди.

Шунингдек, кредитлар “онлайн” ажратилиши йўлга қўйилмоқда. Бу борада Агробанк томонидан

“Suvkredit.uz” тизими ишлаб чиқил-ган. Яна бир муҳим томони, энди пудратчиларга сув тежовчи техно-логияларни фақат ишчи лойиҳа асо-сида қуриш, ўрнатилган тизимларга камида 2 йиллик кафолат бериш ва камида 5 йиллик сервис хизмати кўр-сатиш каби қўшимча мажбуриятлар юклатилмоқда. Бу талабларни ба-жармайдиган пудратчилар тизимга киритилмайди.

Маълумки, бугунги кунда сув те-жовчи тизим жорий қилинган ҳар бир гектар учун 8 миллион сўм миқдори-да субсидия берилди. Шу пайтгача бу маблағнинг 50 фоизи технология ўрнатилган йилда, қолгани келгу-си йили унинг ишлатилишига қараб тўланар эди. Энди бу борада ҳам қулайлик яратилиб, барча субсидия маблағларини ўша йилнинг ўзида тўлаб бериш белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, сўнги истеъмолчигача бўлган тизимни тўғри йўлга қўйиш, сувни тежаш ишлари-ни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2023 йил 20 ноябрь № 27 Тошкент шаҳри

#### Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни иқтисодий судлар томонидан кўришда қонунчилик ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида

Ҳар кимнинг, шу жумладан, халқаро иқтисодий фаолият иштирокчиларининг суд орқали ҳимоялаши ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (24, 55, 139-моддалари), қонунчилик ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва тамойиллари ҳамда халқаро шартномалар билан тан олинади ва қафолатланади.

Иқтисодий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни юртишнинг тартибга солуви нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилиши таъминлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”зи Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

##### 1 боб. Умумий масалалар ва ишда иштирок этувчи шахсининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш

1. Иқтисодий судлар томонидан чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда чет эллик шахслар

деб юритилади) иштирокидаги ишларни кўришда, шу жумладан, чет эл давлат суди ёки арбитраж қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш, шунингдек, чет эл давлат судининг топшириғини бажариш тўғрисидаги ишларни кўришда

(Давоми 3-бетда) ►

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2023 йил 20 ноябрь № 28 Тошкент шаҳри

#### Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 68-моддасининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, ер умуммиллий бойлик эканлиги, ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва у давлат томонидан муҳофаза қилиниши инобатга олиб, ерга оид низоларни судлар томонидан ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва ер муносабатларини тартибга солишга оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари тўғри ва бир хилда қўлланилиши таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”зи Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

##### 1 боб. Умумий масалалар

1. Судларнинг эътибори ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг (бундан буён матнда Ер кодекси деб юритилади) 3-моддаси

жудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилиши тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилишига эътибор қаратилсин.

Судлар ерга оид қонунчилик ҳужжатларини қўллашда ушбу соҳага оид қонунчилик орқага қайтиш кучига эга эмаслиги, улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилиши ҳамда қонунда у амалга киритилгунга қадар ву-

Шу билан бирга, маъмурий судларга низолашмаётган маъмурий ҳужжат ёки мансабдор шахс ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг қонунчилигига ушбу ҳужжат қабул қилинган ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилган вақтда амалда бўлган ерга оид қонунчилик ҳужжатлари асосида баҳо беришлари лозимлиги тушунтирилсин.

(Давоми 5-бетда) ►

### Шарҳ

## Муҳим раҳбарий тушунтиришлар

### ёхуд судлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашда Олий суд Пленуми қарорининг аҳамияти

Мамлакатимизда ер умуммиллий бойлик бўлиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги гарови ҳисобланади. Шунинг баробарида, ҳажм жиҳатидан чекланган табиий ресурс бўлгани сабабли она заминимиз бебаҳо неъматдир. Шу маънода, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 68-моддасида ердан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва у давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгиланган бўлиши бежиз эмас.

Кейинги йилларда ер майдонларидан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Кейинги уч йилнинг ўзида соҳага оид 30 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Қонунчилик такомиллашуви борасидаги энг муҳим янгилик, шубҳасиз, янги таҳрирдаги Конституция-миздир. Эътиборли томони шундаки, эндиликда Асосий қонунимизнинг нормалари тўғридан-тўғри қўлланилади.

Бу эса, ўз навбатида, Олий суд Пленумининг 2006 йилда қабул қилинган “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарори янги лойиҳасини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтирди. Бинобарин, бундан қарийб 18 йил аввал тасдиқланган ушбу Пленум қарори маънан эскирган эди.

Бундан ташқари суд амалиёти таҳлили кейинги пайтларда ерга оид низоларнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлганини кўрсатмоқда.

Шу маънода Олий Суд Пленуми томонидан 2023 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғри-

(Давоми 2-бетда) ►

### 2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили



## ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ДРАЙВЕРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимизга янги йил табриғида мамлакатимизда ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар, 2024 йилда олдимизда турган энг устувор вазифалар тўғрисида сўз юртиди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ҳар бир йилга алоҳида ном бериш ва ундан келиб чиқиб, давлат дастурига оид ҳужжатларни қабул қилиш эзгу анъанага айланган.

Инсон кадрини улғулаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, кучли иқтисодийётни барпо этиш мақсадида 2024 йилга “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор, уларга кўрсатилаётган гамхўрлик, яратилаётган шароит ва имкониятларни ҳар бир ёш ўз ҳаёт тарзи ва фаолиятида хис қилиб турибди. Янги таҳрирдаги Конституция-мизда ҳам ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари қатъий қафолатланди.

(Давоми 2-бетда) ►



Ҳозирги пайтда гийҳвандлик воситалари аналоглари ҳисобланган турли хил “дори”ларни истеъмол қилиш ҳолатларининг қўллаб-қувватлаш бўлаётгани таъминланарлидир.

Ҳеч кимга сир эмаски, бу каби “дори”ларни узоқ вақт давомида истеъмол қилиш оқибатида қайта қабул қилиш истаги билан боғлиқ эйфория пайдо бўлиб, қарамлик синдроми юзага келади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳол одам руҳиятини издан чиқа-



риб, хотирани сулшатиради. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда бу каби “дори”лар вазн ташлаш, мушакларни чиқа-

(Давоми 2-бетда) ►

### ТАРИХ ТИЛСИМЛАРИ

## «ЧЎЛИ ИРОҚ» — ЙЎЛИ ЙИРОҚ

### БАДИА

#### ҚЎЛ ВА КЎНГИЛ

1993 йили ёзилган “Нақибанд ва Навоий” моно-графиясида нақибандия тариқатининг “Кўнглин Алоҳида бўлсин-у, қўлинг ушда”, деган бош ишорини шарҳлаш асосида китобга “Қўл” сарлавҳали бир эссе ҳам алоҳида фасл қилиб киритилган.

Унда мана бундай жумлалар керак бу дунёда. Лекин Абдул-мавжуд: “Энди бу “қўл” деган мўъжизани иложини топгани қадар тараққий эттирган не-не улуг зотларни бир тасаввурингизга келтиринг. Нон ёпаётган кишининг қўллари қузатганмисиз? Гишт тараётган одамнинг-чи? Томирларнинг қилини қирқ ёриб, инсон юрагига тиг ўраётган жарроҳ қўллари қузатганми? Бу қўллар беморга – умр, эгасига – не-не савоблар олиб келаётганини айтиб, адо қилиб бўлармикан?”

Куй тинглаб, кўнгли эпкинларини туймаган одам бўлмаса керак бу дунёда. Лекин Абдул-мавжуд “эшилиб, тўлғониб, ингранаётган куй”нинг ижрочиси қўллари тасаввурга келтирганмисиз? Ҳеч бўлмаганда, Турғун Алиматовнинг тор чертаётган, йўқ-йўқ, пардалар узра рақсга тушаётган қўллари – бармоқларини бир зум қузатганмисиз? Шунда хаёлингизда “Йўқ, булар фақат Турғун Алиматовнинггина эмас, балки ўзбекининг йигирманчи асрга келиб ҳадди аълосида камолга етқарилган миллий қўллари!”, деган фикр кечган бўлса, ажаб эмас.

(Давоми 6-бетда) ►

## Шарҳ

## Муҳим раҳбарий тушунтиришлар

ёхуд судлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашда Олий суд Пленуми қарорининг аҳамияти

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу бобда маъмурий суд ишларини юришти соҳасида 2023 йил апрель ойида амалга оширилган ислохотлар инъикоси сифатида, маъмурий судларга маъмурий органларнинг фуқароларнинг ерга оид ҳуқуқларини бузувчи ҳужжатлари ва ҳаракатлари устидан берилган аризалари ҳамда улар билан сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талаблар тааллуқли экани тушунтирилди.

Шунингдек, қарорда ерга оид фуқаролик-ҳуқуқий низоларнинг тугал бўлмаган рўйхати ҳам келтирилди. Унда ер участкасига бўлган ҳуқуқларни Ер кодексининг 38-моддаси тартибда тугатишга оид низолар фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судлар томонидан кўрилиши назарда тутилиб, амалиётда мавжуд бўлган бу борадаги баҳс-мунозараларга чек қўйилди.

Аукцион натижалари ёки аукцион баённомасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаблар билан маъмурий органнинг объектни аукционга чиқаришга қадар бўлган ҳаракатларини низолашишга оид талабларнинг судловга тааллуқлилиги масаласига оид анчадан буён давом этиб келаётган муҳокамалар ҳам узил-кесил ҳал этилди.

Яъни аукцион натижаларини ҳақиқий эмас, деб топиш талаблари фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга, маъмурий органнинг объектни аукционга чиқаришга қадар бўлган ҳаракатларини низолашишга оид талаблар маъмурий судларга тааллуқлилиги ҳақида тушунтириш берилди.

Пленум қарорининг “Ерга оид оммавий-ҳуқуқий низолашга оид” боби ҳам муҳим тушунтиришларни ўз ичига олган. Хусусан, улардан бири амалиётда кўп учраётган муаммо — ҳақамлик судларининг ваколати бўлмаганда, ер участкасига эгаллик ҳуқуқини белгилувчи қарорларига оид масаладир. Бу борада судларга ҳақамлик судларининг бундай қарорлари ер участкасига нисбатан ҳуқуқни вужудга келтирувчи мақбул далил бўла олмаслиги ва қарор қабул қилишда инobatга олинмаслиги лозимлиги ҳақида тушунтириш берилди.

Энди аризалари томонидан ноаниқ талаб қўйилганда, маъмурий судлар “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида, низолининг асл моҳиятидан келиб чиқиб, ўз ташаббуси билан аризаларга ҳуқуқларини амалга оширишда фаол кўмак кўрсатган ҳолда талабга аниқлик киритиш чораларини кўриб, аризалани мазмунан ҳал этиши лозим бўлади.

Бу, ўз навбатида, аризаларнинг расмий асос билан рад этилиши ёки иш юриштини судга тааллуқли эмаслиги асоси билан тугатилишининг олдини олади. Бу Конституциянинг 55-моддаси билан кафолатланган одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Пленум қарорининг 4-боби ерга оид фуқаролик-ҳуқуқий низолашга бағишланган. Унда умумий мулк иштирокчиларидан бирининг қўшимча қурилишлар барпо этиши, ўз-ўзидан унинг фойдасига ер участкаси ўлчамининг кўпайтирилишига асос бўлмаслиги, шунингдек, турар жой мулкдорларидан бири иморатнинг ўзига тегишли бўлган қисмини бошқа шахс фойдасига ўтказганда ер участкасидан фойдаланишининг илгаридан ўрнатилган тартиби янги мулкдор учун ҳам мажбурийлигига оид тушунтиришлар берилган.

Ушбу раҳбарий кўрсатмалар Конституциянинг 21-моддасида белгиланган инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги ҳақидаги қоидага тўлиқ мувофиқ келади.

Шунингдек, Пленум қароридан урба-

низация ва жадал бунёдкорлик даврида ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ҳолларда мулкдорларнинг компенсацияга бўлган ҳуқуқи тўлиқ тикланишини таъминлаш мақсадида бир қатор раҳбарий кўрсатмалар берилди:

**Биринчидан**, компенсация масаласи ҳал этилишида кўчмас мулк объекти билан бирга ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг ҳам бозор қиймати алоҳида-алоҳида аниқланиши лозим.

**Иккинчидан**, компенсация ўз вақтида қопланмаган тақдирда, Фуқаролик кодексининг 324-моддаси иккинчи қисмига асосан қарор чиқарилган ҳолда мавжуд бўлган бозор қиймати эътиборга олинган ҳолда ҳал этилиши мумкин.

**Учинчидан**, башарти зарарни тўлашни кечиктирганлик учун фоиз ундириш сўралган бўлса, талаб Фуқаролик кодексининг 327-моддасига асосан ҳал этилиши лозим.

Бундай тушунтиришлар Конституциянинг 47-моддаси иккинчи қисмида белгиланган уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга у кўрган зарарларнинг ўрни олдиндан тўлиқ ҳамда тенг қийматда қопланиши кафолатига уйғундир.

Пленум қароридан ер майдонлари муҳофазаси кафолатларига бағишланган тушунтиришлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, Ер кодексининг 44-моддасига кўра, суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар, шу жумладан, саноат ва фуқаролик объектлари — бинолар ва иншоотлар қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмайди.

Дарҳақиқат, ер тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши нафақат ҳозирги, балки келажак авлод манфаатларига ҳам жиддий зарар етказиши мумкинлиги билан хавфлидир.

Модомики, ҳар бир қарич ер майдонининг тақдирини давлат ва жамоат аҳамиятига молик масала ҳисобланар экан, унинг талон-торож этилиши ҳолатларига фавқулодда ҳолат сифатида қаралиши лозим.

Айнан шу сабабли ҳам Пленум қароридан куйидаги бир қатор раҳбарий кўрсатмалар белгиланган:

- судлар томонидан ўзларининг ваколат доирасига кирмайдиган масалаларда, хусусан, ер ажратиш, ер майдонига ҳуқуқ белгилаш мазмунини да қарор қабул қилиш ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслиги;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг олди-сотди, ҳада, гаров шартномалари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши ва бундай ҳолатларда судлар ўз ташаббуслари билан шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашга ҳақли эканлиги;

- ўзбошимчилик билан эгаллаб турилган ер участкаларини қайтариш ва ундаги қурилманни буздириш тўғрисида ишларда келишув битими тузишга йўл қўйилмаслиги;

- судлар бу тоифадаги ишларни кўришда давлат ҳокимияти органининг даъводан воз кечиши қонунчилик ҳужжатларига зид келмаслигини аниқлаши лозимлиги;

- кадастр органлари ер майдонлари ўзбошимчилик билан эгаллангани ҳолати бўйича ўзлари киритган даъво аризаларини кўрмасдан қолдириши сўраганда, бу ҳақда Кадастр агентлиги ва прокуратура органларига хабарнома юборилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Хулоса қилиб айтганда, Олий суд Пленум қарори бугунги кунда ер муносабатларига оид энг долзарб масалаларни қамраган. Мазкур янги ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, бир томондан, ерга қонуний асосларда эгаллик қилувчи шахсларнинг ҳуқуқлари химоясига қаратилган бўлса, иккинчи томондан, ер қонунга зид равишда қўлга киритилган ва инсофиз ҳаракат қилинган ҳолларда масалага кескин, муросасиз ёндашган ҳолда, ер фондини муҳофаза этишга бағишланган.

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жумладан, унда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилди. Асосий қонунимизнинг 79-моддасида давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлаши, уларнинг жамоат ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши, ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши, уларнинг таълим олиши, соғлигини сақлаш, уй-жой, ишга жойлаштириш, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони ҳам ёшлар салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтовчи ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Стратегияда ёшларни замонавий касблар ва чет тилларга ўқитиш тизими яратилиши кўзда тутилган. Бу мақсадга эришиш учун ҳар бир вилоятда “Креатив парк” фаолиятини ташкил этиш, уларга йилга камида 40 минг нафар ёшнинг жалб этиш вазифаси қўйилган. Мактаб битирувчиларининг камида 2 та хоржий тили ва 1 та касбни эгаллашнинг таъминлаш белгиланган.

Шунингдек, 2024 йилга мўлжалланган устувор вазифаларда “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали хоржий тилларни ўрганаётган ёшларни 1 миллион нафарга етказиш чоралари кўрилади.

Бунинг учун ҳудудларда қўшимча инфратузилма барпо этилиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариш учун янада кенг шароитлар яратилади.

Ушбу йўналишда илмий ва инновацион фаолият, интеллектуал ўйинлар ҳамда чет тилларни ўрганишга жалб этиш орқали камида 2 миллион нафар ёшнинг иқтидорини ривожлантириш каби мақсад ва марралар кўзланган.

Ҳар йили 500 нафар истеъдодли йигит-қизларни хоржий нуфузли олийгоҳларига ўқишга юбориш режалаштирилган. Бу йигит-қизларнинг жаҳон меҳнат бозорига талабгир кадрлар бўлиб етишишга замин ҳозирлайди.

Ҳозиргача давлатнинг алоҳида эътиборига муҳтож 396 минг нафар

## □ 2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

## Ёшлар — мамлакат тараққиёти драйвери

ёшлар мутасадди раҳбарларга бириктирилиб, улар билан индивидуал ишлаш орқали 331 минг нафарининг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашилди. Жумладан, 94 минг нафарининг бандлиги таъминланди, 56 минг нафари касб-хунарларга ўқитилди.

Стратегияда яна 400 минг ёшнинг бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал этишга эришиш ҳамда ёшлар ишсизлиги даражасини 14 фоиздан 11 фоизга камайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида ахборот технологиялари соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун ушбу соҳада 300 минг нафар ёш иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Мактаб ўқувчилари халқаро ахборот технологиялари бозорига талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўргатилиши ҳамда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенгайтириш ва ҳар йили энг иқтидорли 15 минг нафар ёшни нуфузли халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш тизими йўлга қўйилиши юзасидан амалий чоралар белгиланган.

Келгусида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланидиган ёшлар сонини янада ошириш, оммавий спорт қамровини кенгайтириш ҳам Стратегиянинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш орқали ёшлар қамрови сонини 8 миллиондан ошириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун камида 5 мингта маҳаллада спорт майдончалари барпо этилиши назарда тутилган.

Бугунги кунда билим олиш, замонавий касб-хунар эгаллаш, турли йўналишларда иқтидорини намоён этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун яратилган шароитлар натижасида ёшлар қўллаб-қувватлаш мақсадлари замида янги марраларни забт этмоқда. Хусусан, олий таълим тизимида ҳам ёшларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Олий таълим муассасалари



сонини салкам уч қарра кўпайиб, қамров даражаси 9 фоиздан 42 фоизга етгани замонавий илм ва касб соҳаларини эгаллашда ёшлар учун янги имкониятлар очмоқда. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиши кутилмоқда. Таълим тизимидаги ислохотлар юртимизда Учинчи Ренессансга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш бугунги кунда устувор йўналишга айланган. Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллион нафардан ортқ еки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёш кириб келмоқда, келгуси 10 йилда 1 миллионга етади. Охирги уч йилда 250 минг нафар ёшга 6 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди. Мамлакатимиз бўйича 210 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилди. Ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўмлик 2,5 мингта лойиҳа амалга оширилди. Натижада ёш тадбиркорлар сони икки қарра кўпайиб, 200 мингдан ошди. Ёшларга 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 минг нафар ёшнинг бандлиги таъминланди, 32 мингта зиёд ёшга субсидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютерлар олиб берилди.

Ёшларни касбий тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш дастурлари тасдиқланди ва амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз бўйлаб касб-хунар таълими марказлари фаолият кўрсатмоқда, уларда 50 дан ортқ

касб-хунарлар ўргатишмоқда.

Ўтган давр мобайнида ёшларнинг ижтимоий химоясини таъминлаш ва ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, барча маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, бу вазифага интилувчан, ташкилотчилик қобилиятига эга, ташаббускор ёшлар саралаб олинди. “Ёшлар дафтари” тизими йўлга қўйилиб, сўнгги икки йилда 798 мингга яқин ёшга қарийб 1 триллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

“Ёшлар дафтари” орқали кўрсатиладиган ёрдам турлари сони 30 тага етди, мурожаатларни кўриб чиқиш муддати эса 30 кундан 5 кунгача қисқарди.

2023 йилда ёшлар етакчилари тавсияси билан 338 минг нафар йигит-қизга 444 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Хусусан, талабаларнинг шартнома маблағлари тўланди, хоржий тиллар ва замонавий касбларга ўқитиш харажатлари қоплаб берилди.

Ҳар бир маҳаллада “Ёшлар бандлиги дастури” амалга оширилиб, жорий йилда 236 минг нафар ишсиз йигит-қиз ва 189 минг нафар мактаб битирувчисининг бандлиги таъминланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига янги йил табригидаги “Инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодийёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир. Шу мақсадда 2024 йилни мамлакатимиз-

да “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилдик.

Янги йилда иқтисодийетимизга хоржий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратиши янада кучайтирамиз. Илм-фан, инновация, ахборот технологиялари каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш эътиборимиз марказида бўлади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори кўпайтирилади. Хотин-қизлар ва нурунийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берамиз. Ижтимоий соҳалар ривожини мутлақо янги босқичга кўтарамиз. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Қуроли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш устувор вазифамиз бўлиб қолади”, деган сўзлари жорий йилдаги мақсадларимиз ҳам юксак эканининг амалдаги ифодасидир.

Бу юртимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг туб моҳиятини ташкил этади. Бошқача айтганда, халқимиз ёшлар тимсолида ўз келажакини бунёд этмоқда. Зеро, ёшлар давлатимизнинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир.

Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси

## Таҳлил ва таклиф

## Янги жиноий жавобгарлик зарурати



## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳақда фикр юритганда, амалдаги қонун ҳужжатларида ижтимоий тармоқлар, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда бу каби “дори” воситаларини

тарғиб қилганлик учун алоҳида жиноий жавобгарлик назарда тутилмаганини қайд этиш жоиз. Шу боис Жиноят кодексининг 273 ва 274-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қиламиз.

Жумладан, Жиноят кодексининг 273-моддаси 6-қисмига “ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар “Телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса”, деган жумлани киритиш ва 6-қисмининг 7-қисми деб ўзгартириш зарур.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 274-моддасини янги 3-қисм билан тўлдириш, “ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар “Телеком-

муникация тармоқлари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса”, деган қўшимча киритиш лозим.

Амалдаги қонун ҳужжатида бундай жиноий жавобгарликнинг киритилиши жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини яна мустаҳкамлаш баробарида аҳоли, хусусан, ёш авлод саломатлигини асраб-авайлаш, соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,  
Қашқадарё вилояти суди судьяси

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

# Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни иқтисодий судлар томонидан кўришда қонунчилик ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Нью-Йорк шаҳрида 1958 йил 10 июнда имзоланган "Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги"ги Конвенция (бундан буён матнда Нью-Йорк Конвенцияси деб юритилади), Киев шаҳрида 1992 йил 20 мартда имзоланган "Хужалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Битим (бундан буён матнда Киев Битими деб юритилади), Минск шаҳрида 1993 йил 22 январда имзоланган "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида"ги Конвенция (бундан буён — Минск Конвенцияси деб юритилади), Кишинев шаҳрида 2002 йил 7 октябрда имзоланган "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги Конвенция (бундан буён — Кишинев Конвенцияси деб юритилади), Гаага шаҳрида 1954 йил 1 мартда имзоланган "Фуқаролик процесси масалаларига доир" Конвенция, ҳуқуқий ёрдам бериш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига амал қилишлари лозим.

2. Иқтисодий суд низо бўйича иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш юзасидан чоралар кўради. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми чет эллик шахс сифатида тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 1158-моддаси асосида чет эл ҳуқуқини қўлланилишига сабаб бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш лозим.

3. Чет эллик юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми мазкур юридик шахс таъсис этилган давлатнинг ҳуқуқи билан белгиланади (рўйхатдан ўтган ёки ўзининг асосий жойлашган жойи бўлса).

4. Чет эл ҳуқуқи бўйича юридик шахс бўлмаган хорижий ташкилотларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми ташкилот таъсис этилган давлат ҳуқуқи билан белгиланади. Чет эллик жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий мақоми у фуқароси бўлган ёки доимий яшайдиган (фуқаролиги бўлмаган шахс) давлатнинг ҳуқуқи билан белгиланади.

Чет эллик шахс - тадбиркорнинг ҳуқуқий мақоми у тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган давлат қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

5. Чет эллик юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, қоида тариқасида, келиб чиққан давлатнинг савдо реестридан (регистрдан) тегишли тартибда тасдиқланган кўчирма ёки муассаса ўша давлат қонунчилигида тан олинган ҳуқуқий мақомининг бошқа эквивалент далиллари билан тасдиқланади.

6. Судлар тақдим этилган ҳужжатларни баҳолашда, савдо реестридан (регистрдан) кўчирмада раҳбар сифатида ёки имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг даврони, аризани, шикоятни имзоланган ёки ишончнома берган шахсларнинг референтларига мувофиқлигига эътибор қаратишлари лозим.

7. Судлар инobatга олишлари лозимки, даъво ариза юридик шахслар ўзига эмас, балки алоҳида бўлинмасига (филиал, ваколатхона)га нисбатан тақдим этилган бўлса, ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан даъво аризасини қабул қилиш рад этилади. Агар бу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, иш юритиш ИПК 110-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ тугатилиши лозим.

8. Чет эллик шахсларнинг доимий муассасаси орқали Ўзбекистон Республикасида олиб бораётган фаолияти билан боғлиқ низолар бўйича даъво қаноатлантирилган тақдирда, ундириладиган сумма чет эллик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги 2019 йил 22 октябрдаги УРҚ-573-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси асосида очилган ҳисобрақамларидан ундирилишига судларнинг эътибори қаратилади.

8.1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ олинган давлат божи тўлашдан озоқ қилинган чет эллик шахс судга даъво аризаси, ариза ва шикоят билан мурожаат қилганда, уларнинг даъво аризаси, ариза ва шикоятини қаноатлантириш рад этилганда, улардан ундирилиши лозим бўлган давлат божи ва бошқа суд харажатлари чет эллик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган доимий муассасасининг ҳисобрақамларидан ундирилади.

8.2. "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 17-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Палатага аъзолик тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаси ёхуд тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этил-

ган бошқа ташкилот, чет эл компанияларининг ваколатхоналари ва Палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилишини эътиборга олган ҳолда, судлар шуни назарда тутиши лозимки, Палата унга аъзо ҳисобланган чет эллик шахслар манфаатида ҳам судларга даъво аризалари билан бир қаторда шикоятлар, аризалар бериши мумкин.

### II боб. Иқтисодий судларнинг чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича ваколатлари

9. Иқтисодий судларнинг чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва ИПК 31-бобига асосан белгиланади.

10. ИПК 239-моддасининг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари чет эллик шахслар иштирокида иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар бўйича ишларни кўриб чиқиши мумкин бўлган асослар (ҳолатлар) рўйхати, ИПК 240-моддасининг биринчи қисмида эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларининг мутлақ ваколатларига киритилган чет эллик шахслар иштирокидаги низолар бўйича ишлар рўйхати келтирилган.

11. Агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда бири чет эллик шахс бўлиб, улар ўзларининг иқтисодиёт соҳасида амалга оширган фаолияти билан боғлиқ юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган низоли кўриш бўйича Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди ваколатига эга деб белгиланган битимни тузсалар, башарти, бундай битим чет давлат судининг мутлақ ваколатларини ўзгартирмаса, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди ушбу низоли кўриш бўйича мутлақ ваколатга эга бўлади.

12. Иқтисодий судларнинг ваколатларини белгилаш тўғрисидаги битим ёзма шаклда тузилиши керак.

Мазкур битим шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шартлари ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштирилиши мумкин.

Агар битим тарафларнинг хоҳиш-иродаси улар томонидан имзоланган ҳужжатда ифодаланган бўлса ёки бундай битимни қайд этишни таъминловчи электрон ёхуд бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда хатлар ёки хабарлар алмашиш йўли билан тузилган бўлса, бундай битим ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

13. Тарафлар ўртасида тузилган битимда улар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган иқтисодий низоларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларида кўриш белгиланган бўлиб, бироқ низо айнан қайси иқтисодий судда кўрилиши белгиланмаган бўлса, низоли кўриш лозим бўлган иқтисодий судни ва низоли судловга тегишлилигини аниқлашда ИПК нормалари қўлланилади (5 боб, 2 параграф).

14. Тарафлар ўртасида низоларни халқаро арбитраж ёки ҳакамлик судига топшириш ҳақидаги келишувнинг мавжудлиги битим тарафининг иқтисодий судга даъво тақдим қилишига ва иқтисодий суд томонидан иш қўзғатилишига тўқинлик қилмайди.

15. Судлар инobatга олишлари лозимки, агар тарафларнинг низоли халқаро арбитраж ёки ҳакамлик судига кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишув мавжуд бўлиб, ҳакамлик судига мурожаат қилиш имконияти бой берилмаган ва ишнинг иқтисодий судда кўрилишига қарши бўлган жавобгар ўзининг низолининг мазмуни бўйича биринчи аризасидан кечиктирмай низоли ҳакамлик судининг ёки арбитражнинг ҳал қилувига ўтказиш тўғрисида илтимоснома берса, иқтисодий суд ИПК 107-моддасининг 2-бандига асосан даъво аризасини кўрмасдан қолдириши лозим.

Агар жавобгар судга шу мазмундаги ариза ёки илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим қилмаган ёки жавобгар низоли иқтисодий судда кўрилишига розилигидан гувоҳлик берувчи процессуал ҳаракатларни содир этган тақдирда (масалан, низо юзасидан фирнома тақдим қилиш, бирор процессуал хусусиятдаги илтимоснома ёки ариза тақдим этиш ва бошқалар), у ишни халқаро арбитраж ёки ҳакамлик судига топширишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

16. Агар низоли чет давлат суди судловига топшириш тўғрисидаги битим Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судининг мутлақ ваколатини ўзгартирмаса, суд даъво аризасини (аризани) ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос равишда қабул қилишни рад этади, агар даъво аризаси (ариза) иш юритишга қабул қилинган бўлса, ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос равишда иш юритиш тугатилади.

17. Агар тарафларнинг низоли халқаро арбитраж ёки ҳакамлик судига кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишув мавжуд бўлса, ушбу битимни ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган ёки ўз кучини йўқотган ёхуд ижро этиб бўлмайдиган битим деб ҳисобланган тақдирда, суд низоли мазмунан кўриб чиқади (Нью-Йорк Конвенцияси 2-модда-

сининг учинчи банди). Бунда, иқтисодий суд келишувнинг ҳақиқийлигини, хусусан, битимнинг ёзма шаклига риоя этилганлиги, тарафларнинг муомала ва ҳуқуқ лаёқатига ҳамда шартнома тузиш эркинлигига риоя этилганлиги, келишувнинг ўз кучини йўқотган ёки йўқотмаганлиги (иқтисодий судда айни бир низо предмети бўйича низо юзасидан иш кўрилмаганлиги), шунингдек, низоли халқаро арбитраж ёки ҳакамлик суди ҳал қиладиган низолар жумласига кириш ёки кирмаслигига баҳо бериши лозим.

17.1. Низоли халқаро арбитражга кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишув мавжуд бўлса, судлар келишувда кўрсатилган суд ҳақиқатда мавжудлигини текширишлари лозим.

### III боб. Чет элга мансуб ҳужжатларга қўйилган талаблар

18. ИПК 246-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган чет давлатлар муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси муассасалари, ташкилотлари ва фуқароларига ёки чет эллик шахсларга нисбатан чет эл ҳуқуқи нормалари бўйича белгиланган шакл бўйича берилган, тузилган ёки тасдиқланган ҳужжатлар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳамда бу ҳужжатлар келиб чиққан муассасалар ва ташкилотларнинг давлати иштирокчи бўлган халқаро шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлса, ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан фақат консуллик легаллаштируви мавжуд бўлганда ёхуд уларга апостиль қўйилган бўлса, қабул қилинади.

19. Чет давлат ҳудудидан тузилган ва иқтисодий судга тақдим қилинган расмий ҳужжатларни легаллаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 12 мартда 313-сон билан рўйхатга олинган ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан 1997 йил 14 февралда тасдиқланган "Консуллик легаллаштириш тўғрисида"ги Йўриқномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Низоли иқтисодий судда кўриб чиқишда чет давлат ҳудудидан расмийлаштирилган ҳужжатларни легаллаштирилиши далиллар манбаини тасдиқлаш учун лозим, бироқ ҳужжатдаги маълумотларнинг мазмунан тўғрилигини аниқлаш мақсадида суд томонидан текширув ўтказилишини истисно қилмайди.

21. Судларга тушунтирилсинки, Гаага шаҳрида 1961 йил 5 октябрда имзоланган "Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи" Конвенция (бундан буён матнда Гаага Конвенцияси деб юритилади) иштирокчиси бўлган чет давлатнинг расмий ҳужжатлари Конвенцияда назарда тутилган ҳолларда консуллик легаллаштирувисиз қабул қилинади.

Гаага Конвенцияси 1-моддасининг иккинчи қисмига кўра, чет давлатнинг расмий ҳужжатлари деб ўз моҳиятига кўра қуйидагилар тушулинади:

- чет давлат ваколатли органлари ва мансабдор шахсларининг ҳужжатлари, шу жумладан, прокуратура, суд қотибияти ёки суд ижрочиларининг ҳужжатлари;
- маъмурий ҳужжатлари;
- нотариал идоралар ҳужжатлари;
- расмий қайдлар, рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги қайдлар, муайян санани тасдиқловчи визалар, нотариусда тасдиқланмаган ҳужжатдаги имзони тасдиқлаш каби қайдлар.

Шу билан бирга, судларнинг эътибори Гаага Конвенцияси талаблари дипломатик ёки консуллик агентлари томонидан бажариш ҳужжатлар ҳамда тадбиркорлик ёки бошқача операциялари билан беvosита боғлиқ бўлган маъмурий ҳужжатларга табиқ этилмаслигига қаратилсин.

22. Гаага Конвенциясига мувофиқ бир давлатнинг ваколатли органлари томонидан тайёрланган ва бошқа давлат ҳудудидан фойдаланишига мўлжалланган ҳужжатларга махсус штамп — "апостиль" қўйилади.

Апостиль билан тасдиқланган расмий ҳужжатни кейинчалик легаллаштириш талаб этилмайди ва расмий ҳужжатдан Гаага Конвенциясига аъзо барча иштирокчи давлатларда фойдаланиш мумкин.

23. Агар халқаро шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, чет давлат резидентлари томонидан унинг вақилига берилган ишончномалар апостиль билан тасдиқланиши лозим.

24. Судларнинг эътибори ФКнинг 1182-моддасига мувофиқ, ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддати ишончнома берилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланишига, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, ишончнома шаклига риоя этилмаганлиги тугайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмаслигига қаратилсин.

25. Судлар Гаага Конвенциясида даъво аризалар, аризалар, шикоятлар, шартно-

малар (контрактлар), божхона ва тўлов ҳужжатларига апостиль қўйилиши назарда тутилмаганлигини инobatга олишлари лозим.

26. Судлар инobatга олишлари лозимки, судга даъво аризаси, ариза, шикоят билан мурожаат этишда, апостиль қўйилиши талаб этиладиган ҳужжатларга апостиль даъво аризаси судга топширилган санага қадар қўйилган бўлиши лозим.

27. Судлар Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларда белгиланган тартибга кўра, шартнома тарафи бўлган чет давлатларнинг расмий ҳужжатларини легаллаштирилмаган ва апостиль қўйилмаган ҳолда иш юритишга қабул қилишга ҳақли.

Бунда чет давлат томонидан расмий ҳужжат сифатида тан олинган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан худди шундай ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган расмий ҳужжат сифатида тан олиниши лозим.

28. ИПК 246-моддасининг иккинчи қисмига кўра, чет тилида тузилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судига тақдим этишда, ушбу ҳужжатларга уларнинг давлат тилидаги ёки иқтисодий суд ишлари юритилаётган тилдаги тегишли тарзда тасдиқланган таржимаси қўшиб топширилиши керак.

Мазкур тартибга риоя қилинмаган ҳолда тақдим қилинган ҳужжатлар иқтисодий суд томонидан иш юритишга қабул қилинмайди ва даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда қайтарилади.

Агар даъвогар (аризачи) томонидан даъво ариза (аризани) судга тақдим этишда ИПК 246-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя этилмаганлиги суд томонидан даъво аризаси иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, иш мазмунан кўриб чиқилади.

### IV боб. Чет эллик шахслар иштирокидаги иқтисодий ишларни кўриб чиқиш тартиби

29. Агар халқаро шартномаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, иқтисодий судлар чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб, ҳал этишга эътибор қаратиши лозим.

Ишни кўриш муддатини белгилашда судларнинг эътибори ишнинг мураккаблиги, чет эллик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлаш ва шарҳлаш юзасидан сўровномалар юбориш, тарафларни суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилиш, суд топшириқларини юбориш ва бошқа ҳолатлар инobatга олинишига қаратилсин.

30. Иқтисодий судлар ИПКнинг 239-240-моддаларида назарда тутилган чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўришда уларнинг суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилиниши ҳамда процессуал муддатларга риоя қилишлари лозим.

31. Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар, агар бу шахслар ёки уларнинг филиаллари, ваколатхоналари, доимий муассасалари, ёхуд уларнинг иш юритишга ваколатли бўлган вақиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан турган ёки яшаётган бўлса, ИПКнинг 164-моддасида белгиланган муддатда кўрилади.

Агар чет эллик шахсларнинг иш юритишга ваколатли бўлган вақиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги аниқланса ёки уларнинг филиаллари, ваколатхоналарининг Ўзбекистон Республикасида фаолияти тугатилган бўлса, иш ИПКнинг 244-моддасида белгиланган махсус процессуал муддатларда кўриб чиқилади.

32. Ишда иштирок этувчи чет эллик шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида белгиланган тартибда хабардор қилинган ҳолларда, ишни кўриш муддати суд топшириқларини юбориш учун Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида белгиланган муддатда, шартномада бундай муддат белгиланмаган ёки шартнома мавжуд бўлмаган тақдирда, олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилади.

33. Агар иқтисодий судлар томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни тегишли равишда хабардор қилиш учун белгиланган тартибда хорижий давлатларнинг ваколатли органларига суд топшириқлари юборилган бўлса, судлар ИПК 102-моддасининг 4-бандига мувофиқ иқтисодий иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туришлари мумкинлигини инobatга олиш лозим.

34. Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар апелляция ва кассация инстанциясида ИПКда белгиланган муддатларда тегишли тартибда кўриб чиқилади.

35. Суд ишлари юритиладиган тил принципига мувофиқ иқтисодий судларнинг суд топшириқлари Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги органларига халқаро шартномаларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, юборилаётган давлатнинг давлат тили ёки иш юритилаётган тилдаги тегишли тарзда тасдиқланган таржимаси қўшиб тақдим этилади.

36. Низолашаётган томонлар чет элга топшириладиган ҳужжатларнинг тегишли тартибда тасдиқланган таржималарини иқтисодий судга топширишлари мумкин.

37. Суд топшириги ва ҳужжатлар чет давлат тилига таржима қилиш учун иқтисодий суд томонидан ИПКда белгиланган тартибда суд ишларини юритиш билан шугullanуви таржимонга ёки ихтисослашган ташкилотга юборилиши мумкин (таржима бюроси, Савдо-саноат палатаси ва бошқалар).

Судларга тушунтирилсинки, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 октябрдаги 570-сонли "Жабранувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан белгиланган.

38. Судлар ҳужжатларни чет тилига таржима қилиш учун тарафлар розилиги билан таржимонни ишга жалб қилиш мумкинлигини инobatга олишлари лозим.

Халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолларда, чет тилига таржима қилинган суд ҳужжатлари ва унга илова қилинаётган ҳужжатларнинг таржима қилган таржимоннинг имзоси нотариал тасдиқланиши лозим.

39. Чет элга топшириладиган ҳужжатларнинг чет тилига таржима қилиш харажатларини тақсимлаш ИПКда белгиланган тартибда амалга оширилади.

40. Таржимонларга тўланиши лозим бўлган сумма тегишли илтимоснома билан мурожаат қилган ишда иштирок этувчи шахс томонидан, шунингдек, суд топширигига илова қилинадиган ҳужжатларни даъвогар (аризачи) томонидан суднинг депозит ҳисобварағига олдндан ўтказилади.

Агар таржима қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар иккала тарафга тегишли бўлса, талаб қилинадиган суммани улар тенг бўлиб суднинг депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Агар ҳужжатлар суднинг ташаббуси билан таржима учун берилган бўлса, тўланиши лозим бўлган сумма суднинг депозит ҳисобварағидан тўланади.

Кейинчалик мазкур сумма ишда иштирок этувчи шахслардан ИПКнинг 118-моддасига мувофиқ ундирилиб, суднинг депозит ҳисобварағига ўтказилади.

41. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, баъзи халқаро шартномаларга мувофиқ, суд топшириқлари ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар халқаро шартномада кўрсатилган тилда расмийлаштирилиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома (Пекин, 1997 йил 11 декабрь) 4-моддасининг иккинчи бандида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимоснома ва тақдим этиладиган ҳужжатлар сўралаётган аҳдлашувчи томоннинг расмий тилига ёки инглиз ёхуд рус тилига таржимаси илова қилиниши назарда тутилган.

### V боб. Чет эллик шахслар иштирокида иқтисодий ишларни кўриб чиқишда суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш

42. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисmidир.

43. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

44. Иқтисодий судлар томонидан халқаро шартномаларни қўллаш ва уларни талқин қилиш 1969 йил 23 майда Вена шаҳрида имзоланган "Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида"ги Конвенцияси (бундан буён матнда Вена Конвенцияси деб юритилади) ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида"ги 2019 йил 6 февралдаги УРҚ-518-сонли Қонуни ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

45. Киев Битими иштирокчиси бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўриб чиқишда иқтисодий судлар ушбу Битим нормаларининг махсус хусусиятларини инobatга олишлари лозим.

(Давоми 4-бетда) ►

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

# Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни иқтисодий судлар томонидан кўришда қонунчилик ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида

### ◄ (Бошланиши 3-бетда)

46. Агар ҳуқуқий муносабатлар Киев Битими билан тартибга солинмаган бўлса, ишларни кўришда Кишинев Конвенцияси нормалари қўлланилади. Кишинев конвенцияси иштирокчилари бўлмаган МДХ давлатлари билан муносабатларда Минск Конвенцияси қўлланилади.

47. Ўзбекистон Республикаси билан ҳуқуқий ёрдам тўғрисида икки томонлама халқаро шартномалар тузган давлатларнинг чет эллик шахслари иштирокидаги ишларни кўришда ушбу шартномаларнинг қоидалари қўлланилади.

48. Бошқа давлатларнинг чет эл шахслари иштирокидаги ишларни кўриб чиқишда универсал кўп томонлама шартномалар қўлланилади, хусусан, "Фуқаролик процесси масалаларига доир" Гаага шаҳрида 1954 йил 1 мартда имзоланган Конвенция, Гаага Конвенцияси.

49. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллашда, судлар халқаро шартнома мажбурий бўлишига розилигини билдирган ва улар учун кучга кирган давлатларнинг таркибига эътибор қаратишлари лозим.

Шу билан бирга, шуни инобатга олиш кераки, агар шартноманинг кучга кириш тартибига яқиний имзоланган бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, халқаро шартнома уни тузишда иштирок этган ва имзолаган давлат шартномани мажбурий бўлишига розилик билдирмаган бўлса, халқаро шартнома ўша давлат учун қўлланилмайди. Хусусан, Киев Битими уни имзолаган, бироқ ратификация қилмаган Молдова Республикаси билан муносабатларда қўлланилмайди.

50. Шунингдек, чет эллик шахслар иштирокидаги ишларда Ўзбекистон Республикаси қўшилган махсус кўп томонлама халқаро шартномалар нормалари қўлланилади. Хусусан, Вена шаҳрида 1980 йил 11 апрелда имзоланган "Халқаро товарлар олди-сотди шартномалари тўғрисида"ги Конвенция, унга қўшилган давлатларнинг тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ишларда таъбиркорлик субъектлари ўртасида махсус кўп томонлама халқаро шартномалар нормалари қўлланилади. Хусусан, Вена шаҳрида 1980 йил 11 апрелда имзоланган "Халқаро товарлар олди-сотди шартномалари тўғрисида"ги Конвенция, унга қўшилган давлатларнинг тадбиркорлик субъектлари ўртасида юрларни халқаро йўлларда ташиш шартномаларидан келиб чиқадиган низолағна нисбатан, Оттава шаҳрида 1988 йил 28 майда имзоланган "Халқаро молиявий лизинг тўғрисида"ги УНИДРУА Конвенцияси, унга қўшилган давлатларнинг тадбиркорлик субъектлари ўртасида молиявий лизинг шартномаларидан келиб чиқадиган низолағна нисбатан, Женева шаҳрида 1956 йил 19 майда имзоланган "Юрларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида"ги (ЮИТК) Конвенция, унга қўшилган давлатларнинг тадбиркорлик субъектлари ўртасида юрларни халқаро йўлларда ташиш шартномаларидан келиб чиқадиган низолағна нисбатан қўлланилади.

51. Иқтисодий суд низои ҳал қилишда, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган ва тарафлар шартномасида тўғридан-тўғри кўрсатган ҳолларда халқаро иш одатларини, шунингдек, Халқаро савдо терминларини шарҳлаш Қоидалари (Инкотермс) ва Халқаро тижорат шартномалари принциплари (УНИДРУА)ни қўллаш мумкин.

52. Чет давлат ҳуқуқи нормаларини қўллашда иқтисодий суд ушбу нормаларнинг мазмунини уларнинг тегишли чет давлатда шарҳланишига ва амалда қўлланилишига мувофиқ ҳолда аниқлайди.

53. Судларнинг эътибори низои ҳар қандай инстанцияда кўриш давомида чет давлат ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш мақсадида кўмаклашишни ва тушунтириб беришни сўраб Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет давлатларнинг ваколатли органларига ёки ташкилотларига суд топшириғи билан мурожаат қилиши ёхуд экспертларни жалб этиши мумкинлигига қаратилсин.

54. Чет давлат ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш мақсадида кўмаклашишни ва тушунтириб беришни сўраб, чет давлатларнинг ваколатли органларига ёки ташкилотларига алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақида суд топшириғи берилган тақдирда, иқтисодий судлар ИПК 102-моддасининг 4-бандига мувофиқ иқтисодий иш бўйича иш юритишни тўхтатишга ҳақли.

55. Ишда иштирок этувчи шахслар талабларига ёки эътирозларига асос қилиб келтираётган чет давлат ҳуқуқи нормалари мазмунини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва ушбу нормаларнинг мазмунини аниқлашда иқтисодий судга бошқача тарзда кўмаклашиши мумкин.

56. Агар қўрилган чораларга қарамай, чет давлат ҳуқуқи нормаларининг мазмуни аниқланмаса, иқтисодий судлар Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳуқуқ нормаларини қўллайди.

### VI боб. Чет давлатлар судларининг ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда чет давлат судининг топшириғини ижро этиш тўғрисидаги ишлар

57. Судларга тушунтирилсинки, чет давлат суди деганда, суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органи, арбитраж деганда эса, алоҳида ҳар бир иш бўйича тайинланган арбитраж ва доимий фаолият кўрсатувчи арбитраж органи тушунилади.

58. Иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган низолағна ва бошқа ишлар юзасидан қабул қилинган чет давлат суди ёки арбитражнинг ҳал қилув қарорлари Ўзбекистон Республикасида, башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва қонуларига бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш назарда тутилган бўлса, тан олиниши ва ижрога қаратилиши мумкин.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қонуний кучга кирган суд ҳужжатига тан олиниши ва ижрога қаратилиши мумкин.

Чет давлат судининг илтимоси бўйича бошқа процессуал ҳаракатлар (ашёвий далилларни текшириш, тарафларни эшитиш ва бошқалар) суд топшириғини ижро этиш жараёнида амалга оширилиши мумкин.

59. Киев Битимининг 4-моддасида назарда тутилган ваколатли суд деганда, қарори бошқа аҳдлашувчи тараф ҳудудига ижрога қаратилиши лозим бўлган, қайд этилган Битимнинг 4-моддаси қоидаларига мувофиқ низолағна кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган аҳдлашувчи тарафининг суди тушунилади. Ўзбекистон Республикасида эса бундай судлар бўлиб иқтисодий судлар ҳисобланади.

60. Судлар эътиборга олишлари лозимки, чет давлат суди ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш ҳамда чет давлат судининг топшириғини ижро этиш билан боғлиқ ишлар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ИПК қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

61. Чет давлат суди ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ИПКнинг 127-моддасида белгиланган тартибда хабардор қилинади.

Чет давлат суди ёки арбитраж қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ёзма шаклда берилиши ва ундирувчи ёки унинг вақили томонидан имзоланган бўлиши керак.

Илтимосномада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- 1) ариза берилётган иқтисодий суднинг номи;
- 2) чет давлат судининг ёки арбитражнинг номи ва жойлашган ери ҳамда унинг таркиби;
- 3) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номлари (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 4) аризада тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган чет давлат судининг ёки арбитражнинг ҳал қилув қарори тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) аризачининг чет давлат судининг ёки арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномаси;
- 6) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Чет давлат суди ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномада аризада ёки унинг вақилининг телефон, факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар халқаро шартномаларда кўрсатилган тилда баён этилиши керак.

62. Судлар эътиборга олишлари лозимки, иқтисодий суд чет давлат суди ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномада аризада ёки бекор қилишга ҳақли эмас.

Агар чет давлат суди ёки арбитражнинг ҳал қилув қарори қисман ижро этилган бўлса, суд бундай ҳолда чет давлат суди ёки арбитраж судининг ҳал қилув қарорининг ижро этилмаган қисмига ижро варақаси беради.

Чет давлат суди ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшайдиган жой номаълум бўлганда, унинг мол-мулки жойлашган жойдаги иқтисодий суд томонидан кўрилади.

63. Судлар чет давлат суди ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ИПК 107-моддасининг 6-бандида белгиланган асослар бўйича кўрмасдан қолдирилиши мумкин эмаслигини инобатга олишлари лозим.

64. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг иккинчи қисмига кўра, чет эл суди ёки арбитражнинг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси суди томонидан берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ҳал қилув қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин.

Бундан келиб чиқиб, судлар чет давлат суди ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримга асосан берилган ижро варақасида чет давлат суди ёки арбитраж суди ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган санани кўрсатишлари лозим.

Судларга тушунтирилсинки, ИПК 255-моддаси 1-қисмининг 6-бандига кўра, чет давлат судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш мuddати ўтган ва ушбу мuddат суд томонидан тикланмаган бўлса, чет эл арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш рад этилади, шунингдек, ИПК 256-моддаси иккинчи қисмининг 3-бандига кўра чет эл арбитражнинг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш мuddати ўтган бўлса, чет эл арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш рад қилиниши мумкин.

65. Чет давлат суди ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан ИПКда белгиланган тартиб ва мuddатларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Чет давлат судининг суд топшириғини ижро этиш билан боғлиқ ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан шикоят қилинмайди (протест келтирилмайди).

66. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар Нью-Йорк Конвенцияси асосида кўриб чиқилади. Нью-Йорк Конвенциясининг 4-моддасига кўра, арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган тараф илтимосномани беришда тегишли тартибда тасдиқланган арбитраж ҳал қилув қарори ва арбитраж келишувининг асли ёки тегишли тартибда тасдиқланган нусхаларини тақдим этади. Агар ҳақамлик қарори ва келишувни расмий (ўзбек) тилида баён этилмаган бўлса, ушбу ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишнинг сўраётган тараф бу ҳужжатларнинг расмий тилдаги таржимасини тақдим қилади. Таржима расмий ёки қасамёд қилган таржимон, дипломатик ёхуд консуллик муассасаси томонидан тасдиқланади.

Судлар эътиборга олишлари лозимки, арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш Нью-Йорк Конвенциясининг 5-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина рад этилиши мумкин.

Бунда шуни назарда тутиш кераки, Нью-Йорк Конвенциясининг 5-моддасининг 1-банди асосида арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этишга ушбу бандда кўрсатилган ҳолатларни исботловчи далиллар мавжуд бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади. Нью-Йорк Конвенцияси 5-моддасининг 2-банди асосида арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этишга судга қандай далиллар тақдим этилганлигидан қатъий назар, йўл қўйилади.

67. Иқтисодий судларда чет давлат судининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар Киев Битими, Кишинев, Минск Конвенциялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ўртасида тузилган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида кўриб чиқилади. Бунда Киев Битими, Минск, Кишинев Конвенциялари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалари уларнинг иштирокчиси бўлган давлатларнинг суд ҳужжатларига нисбатан қўлланилиши инобатга олиниши лозим.

Агар Киев Битими ёки Минск, Кишинев Конвенциялари иштирокчиси бўлмаган ёхуд Ўзбекистон Республикаси билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузмаган чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида илтимоснома берилган бўлса, бундай илтимосномани қабул қилиш

ИПК 154-моддасининг 1-банди асосида рад этилади. Агар кўрсатилган ҳолат илтимоснома иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, иш бўйича ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда иш юритиш тугатилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси ва икки томонлама ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома имзолаган давлат, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги кўп томонлама шартноманинг ҳам иштирокчилари бўлсалар, суд чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишни кўриб чиқишда икки томонлама шартноманинг қоидаларини, у билан тартибга солинмаган ҳуқуқий муносабатлар қисми бўйича эса, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги кўп томонлама шартнома қоидаларини қўллади.

Судлар чет давлат суди ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномага халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши шартлигига эътибор қаратишлари лозим.

Хусусан, ИПКнинг 251-моддасига кўра, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) аризада тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган чет давлат судининг ҳал қилув қарори ёки унинг чет давлатнинг ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;

2) агар ҳал қилув қарори матнининг ўзида кўрсатилмаган бўлса, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

3) ҳал қилув қарори қисман ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, агар у тегишли чет давлат ҳудудига илгари ижро этилган бўлса;

4) ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган ва суд процессида иштирок этмаган тараф ишни кўриш вақти ҳамда жойи тўғрисида ўз вақтида ва тегишли тартибда хабардор қилинганлигини аниқловчи ҳужжат;

5) вақилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат;

6) чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризаининг кўчирма нусхаси қарздорга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

7) агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, белгиланган тартибда ва микдорда давлат божи ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

8) агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу модданин 1-5-бандларига кўрсатилган ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси.

Агар чет давлат суди ҳал қилув қарорини тан олиниши ва ижрога қаратилиши Киев Битими ёки Минск, Кишинев Конвенциялари асосида сўралаётган бўлса, илтимосномага илова қилинаётган ҳужжатлар давлат тили ёки рус тилига қилинган таржимаси билан бирга тасдиқланган ҳолда тақдим этилади.

Агар чет давлат суди ҳал қилув қарорининг тан олиниши ва ижрога қаратилиши Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномаси асосида сўралаётган бўлса, илтимосномага илова қилинаётган ҳужжатлар ушбу шартномада белгиланган тилда баён этилиши лозим.

Судларнинг эътибори, чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш Киев Битимининг 9-моддасида, Минск Конвенциясининг 55-моддасида, Кишинев Конвенциясининг 59-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама шартномаларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина рад этилиши мумкинлигига қаратилсин. Бунда халқаро шартномаларда кўрсатилган чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланиши инобатга олиниши лозим.

Агар чет давлат суди ҳал қилув қарорининг тан олиниши ва ижрога қаратилиши Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида-

ги халқаро шартномаси асосида сўралаётган бўлса, қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш мазкур шартномада назарда тутилган асослар бўйича рад этилади.

Чет давлат судининг ажримини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш учун назарда тутилган тартибда қўрилади.

68. Иқтисодий судлар чет давлат судлари топшириғини ижро этиш ҳақидаги ишларни Киев Битими, Минск, Кишинев ва Гаага Конвенциялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ўртасида тузилган ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида кўриб чиқади.

Судларга тушунтирилсинки, Киев Битимининг 5-моддасига асосан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилинганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари қўлланилади.

Иқтисодий суд томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ИПКда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иқтисодий суд ИПКнинг 247-моддасига мувофиқ айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида чет давлат судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунилари ёки халқаро шартномаларида белгиланган тартибда ўзига берилган топшириқларни (қақирво қозғоларини ва бошқа ҳужжатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, экспертиза ўтказиш, жойни кўздан кечириш ва бошқаларни) ижро этади.

Судлар назарда тутишлари кераки, топшириқ қуйидаги ҳолларда ижро этилмайди:

1) суд топшириғини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига таҳдид солса;

2) суд топшириғини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судининг ваколатига кирмаса;

3) айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги суд топшириғини ўз ичига олган ҳужжатнинг ҳақиқийлиги аниқланмаса.

Чет давлат суди топшириғи билан боғлиқ ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади, у халқаро шартномаларда назарда тутилган тартибда сўраётган тарафга жўнатилади.

Чет давлат суди топшириғи ижро этилганда, ажримга ижрони тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Чет давлат суди топшириғи ижро этилмаган тақдирда, ажримда унинг ижро этилмаганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Судлар агар суд топшириғи Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартнома имзоламаган, бироқ 1954 йил 1 мартда Гаага шаҳрида тузилган "Фуқаролик процесси масалаларига доир" Конвенция иштирокчиси бўлган давлатдан келиб тушган бўлса, чет давлат судининг топшириғи кўриб чиқиш учун қабул қилиниши шартлигини инобатга олишлари лозим.

69. Судларнинг эътибори чет эл арбитражлари иқтисодий судларга суд топшириғи (экспертиза ўтказиш, тарафлар эшитиш, гувоҳлар, экспертлар ва арбитраж муҳокамасининг бошқа иштирокчиларини сўроқ қилиш) беришга ҳақли эмасликларига қаратилсин.

Агарда бундай топшириқ тақдим этилган бўлса, уни қабул қилиш ИПК 154-моддасининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади. Агар кўрсатилган ҳолат топшириқ иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, иш бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мувофиқ тугатилади.

### VII боб. Яқунловчи қоидалар

70. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди чет эллик шахслар иштирокидаги низолағна кўришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда халқаро нормаларни қўллашга доир суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориши ва мазкур тоифадаги ишларни кўришда суд хатларининг олдини олиш юзасидан чоралар кўриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

Б. ИСЛАМОВ

Пленум котиби,  
Олий суд судьяси

Н. ХАКИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

**Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида**

**◄ (Бошланиш 1-бетда)**

2. Қонда тариқасида, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича ишда иштирок этувчи шахслар низоли ер участкасига бўлган ҳуқуқни ва ушбу ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим қилишлари лозим, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ишлар бундан мустасно.

Бунда судларнинг эътибори Ер кодексининг 33-моддасида назарда тутилган ҳужжатларгина ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланишига қаратилсин.

3. Даввогар (аризачи) томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжат тақдим этилганда, судлар низоли тўри хал этиш учун ер участкасининг плани ва тавсифи тузилганлиги, ер участкасининг чегаралари жойида белгилаб берилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар мавжудлигини кадастр ёки бошқа ваколатли органларнинг маълумотлари асосида аниқлашлари лозим.

Судлар ерга оид низоларнинг хусусиятидан келиб чиқиб:

процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда даввони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш масаласини муҳокама қилишлари;

бундай ишларни процессуал муддатларга қатъий риоя қилган ҳолда кўриб чиқишлари лозим.

4. Судларга тушунтирилсинки, Ер кодекси 22-моддасининг биринчи қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда Фуқаролик кодекси деб юритилади) 549-моддаси биринчи қисмининг мазмунига кўра, давлат эгалигида бўлган ер участкалари ёки бошқа кўчмас мулкларнинг қонунда белгиланган тартибда бошқа шахсининг эгалигига ўтказилиши, ер участкалари ёки бошқа кўчмас мулклардан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиб келаётган шахсларнинг ижара шартномасининг муддатни тугагунига қадар фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

5. Судлар Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ, муддати тугаганлиги муносабати билан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисидаги давволарни кўришда, ушбу Кодекснинг 24<sup>4</sup>-моддаси асосида ер участкасини ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳолатларига эътибор қаратишлари лозим.

6. Судлар ерга оид низоларни кўришда манфаатдор шахслар доирасини аниқлаб, зарурат бўлган ҳолларда, уларни (масалан, кадастр ва архитектура органлари, аукцион ёки танлов ўтказувчи ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, қишлоқ ҳўжалиги ташкилотлари ва бошқалар) ишда иштирок этишга жалб қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим.

**II боб. Судловга тааллуқлилик масалалари**

7. Судларнинг эътибори маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларнинг юридик ва жисмоний шахсларнинг ерга оид ҳуқуқларини бузувчи маъмурий ҳужжатлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган ариза (шикоят)лар, шунингдек, ушбу талабаларга сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талаблар маъмурий судларга тааллуқли эканлигига қаратилсин.

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мувофиқ бўлмаган қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида вужудга келган зарарлар сабабий боғланишдаги зарарлар ҳисобланади.

Шунингдек, Ер кодексининг 24, 36-моддалари талаби ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг индивидуал хусусиятга эга бўлган ер муносабатларига оид ҳужжатлари маъмурий судларда низолашиши мумкин.

8. Ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган қуйдаги низолар тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судлар ёки иқтисодий судлар томонидан кўрилади:

ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш билан боғлиқ низолар бўйича компенсация ундириш;

сервитутни белгилаш ёки бекор қилиш, сервитут ўзасидан ҳақ ундириш;

бир неча шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкасидан фойдаланиш тартибини белгилаш, уни бўлиш;

ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ бузилишларни бартараф этиш;

ер участкасини бошқа шахсининг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, ер участкасидан мажбурий тартибда чиқариш;

ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкасини қайтариш ва фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш;

Ер кодексининг 36-моддасида назарда тутилган ҳолларда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни ундириш;

ер участкаларининг ижара шартномаси билан боғлиқ низолар ва бошқалар.

9. Ерга оид қонунчилик ҳужжатлари билан тегишли органларнинг ваколатига тааллуқли масалалар судлар томонидан ҳал қилинмаслигига, жумладан, Ер кодексининг 23-моддасига асосан ер участкасини бериш (реализация қилиш) бўйича ваколатли органлар белгиланганлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

10. Инобатга олинсинки, маъмурий органнинг объектни танлов ёки аукционга чиқаришга қа-

дар амалга оширган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ёхуд қарори билан боғлиқ оммавий-ҳуқуқий низолар маъмурий судларнинг судловига, аукцион ёки танлов натижаси юзасидан вужудга келган низолар эса (масалан, битим, кимошди савдосини ёки танловни ҳақиқий эмас деб топилш, битимни бекор қилиш, ўзгартириш) тегишинча фуқаролик ишлари бўйича судлар ёки иқтисодий судларнинг судловига тааллуқлидир.

11. Судлар “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12, 27 ва 34-моддаларидан келиб чиқиб, шуни назарда тутишлари лозимки, ушбу Қонун кучга кирган кундан бошлаб ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда, ҳуқуқ эгасига белгиланган компенсация берилиши билан боғлиқ низолар дастлаб судга қадар компенсация комиссиялари томонидан кўриб чиқилиши, бироқ масаланинг қонунчиликда белгиланган муддатларда компенсация комиссияси томонидан кўриб чиқилмаганлиги аризани суд томонидан кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

Бунда компенсация комиссиясининг қарори тасвийвий хусусиятга эга бўлганлиги сабабли компенсация комиссиясининг қароридан норози бўлган манфаатдор шахс тегишлича фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга компенсация ундириш ҳақидаги давво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**III боб. Ерга оид оммавий-ҳуқуқий низолар бўйича**

12. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши асослари қонунда қатъий белгилаб қўйилганлиги сабабли ҳақамлик судларининг ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда ер участкаси ва бошқа кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқларни вужудга келтиришга қаратилган қарорлари, аризаларнинг мансабдор шахсларнинг зиммасига ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ер участкасига қурилиш ишларини амалга оширишга рухсат бериш, кўчмас мулкни қайта реконструкция қилишга рухсат бериш мажбуриятини юклаш ҳақидаги ва шу каби бошқа талабларини қаноатлантириш учун асос бўла олмайд.

13. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади) 27-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ низоларни кўришда аризачи томонидан ноаниқ (масалан, кадастр йиғмажилди, кадастр паспорти, гувоҳнома ва давлат реестридан қўчирмани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида) талаб қўйилганда, низоининг асл моҳиятидан келиб чиққан ҳолда маъмурий судлар суднинг фаол иштироки таъминли асосида талабга аниқлик киритиш чораларини кўриб, аризани мазмунан кўришлари лозим.

Бунда судлар кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш — юридик ва жисмоний шахсларнинг, жумладан, битимлар асосида юзга келадиган кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланишини бекор бўлишини тан оладиган ҳамда тасдиқлайдиган ҳуқуқий ҳужжат эканлигидан келиб чиқиб, бу ҳақдаги давлат реестри қўчирмасини эмас, балки кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топилгани мумкинлигига эътибор қаратишлари лозим.

14. “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига кўра, Давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳисобланиши сабабли, судларнинг эътибори кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ низоларни кўришда, иш бўйича жавобгар сифатида Давлат кадастрлари палатасининг вилоят ҳудудий бошқармалари жалб қилиниши лозимлигига қаратилсин.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиш асослари Ер кодексининг 31-моддасида кўрсатилган бўлиб, ерга оид низоларни кўришда аризачида бундай ҳуқуқлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, аризачи МСИЮТК 185-моддаси талаби бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигига аниқлик киритиш лозим.

Шу билан бирга судларга, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида муҳофаза ҳудудларига нисбатан бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги, мазкур ер майдонларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келмаганлигини аниқлашнинг тушунтирилсин.

15. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг (бундан буён матнда ПФ-6243-сонли Фармон деб юритилади) 4-банди билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш, шу жумладан, туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинган.

Шу билан бирга, ПФ-6243-сонли Фармоннинг 8-бандида ушбу Фармон расман эълон қилинган кундан бошлаб Ер кодексига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилгунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-

гаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан мазкур Фармонда назарда тутилганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратиш қатъиян тўхтатилганлиги қайд этилган.

Шу сабабли, Ер кодексининг 23-моддасига ўзгартишлар 2021 йил 16 августда киритилган бўлса ҳам, туман (шаҳар) ҳокимлари 2021 йил 9 июндан бошлаб ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ажратиш (реализация қилиш) ваколатига эга эмасликларига судларнинг эътибори қаратилсин.

**IV боб. Ерга оид фуқаролик-ҳуқуқий низолар бўйича**

16. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Ер кодексининг 10 ва 21-моддалари талабларига мувофиқ ер участкасини бўлиш имконияти бўлмаса, бундай ер участкаси бир неча шахслар томонидан биргаликда эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ер участкаси деб эътироф этилади, бу ҳол кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида акс эттирилади.

17. Биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкаларини бўлиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда судлар Ер кодекси 22-моддасининг тўртинчи қисмига асосан улушларга мутаносиб равишда ер участкасини бўлиш ёки фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги кадастр органи мутахассисининг фикри ёки судга оид экспертиза хулосасидан келиб чиқиши лозим.

18. Биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкасини тарафларнинг иморатга бўлган эгалик ҳуқуқигади улушларига мутаносиб равишда ёки улушлар тенглигидан чекинган ҳолда ажратиш имконияти бўлмаса, суд илгаридан шаклланган ер участкасидан фойдаланиш тартибидан келиб чиқиши лозим.

19. Ер кодекси 62-моддасининг тўртинчи қисми талабига мувофиқ, ер участкаларини ёхуд ундаги иморатнинг у ёки бу қисми коммунал хизматдан (ёритиш, канализация, трубопровод, сугориш қурилмалари ва шу кабилар), ер участкаларининг эгалари ёки ундан фойдаланувчилар эса муस्ताқил равишда ёки транспортда кириб чиқиш имкониятидан маҳрум бўлиб қоладиган бўлса, ер участкасининг бўлинишига йўл қўйилмайди.

20. Фуқаролик кодекси 223-моддасининг бешинчи қисмидан келиб чиқиб, биргаликда эгалик қилувчилар ўртасидаги ер участкаларини бўлишда улушларга нисбатан номутаносиблик вужудга келганда, судлар низоли ҳал этишда ерга бўлган ҳуқуқдаги фарқ учун тегишли пул суммасини ундириши ёки бошқача компенсация белгилашни лозимлигига эътибор қаратсинлар.

21. Биргаликда эгалик қилувчилар ўртасида ердан фойдаланиш тартиби ўрнатилганидан сўнг вужудга келган ер участкасига эгалик қилиш ёки фойдаланиш тартиби юзасидан келиб чиққан низоларни ҳал қилишда судлар қуйдагиларни эътиборга олишлари лозим:

умумий мулк иштирокчиларидан бирининг умумий фойдаланишда бўлган турар жойда қўшимча иморатлар ва қурилмаларни барпо этиш, устига қуриш, қайта қуриш йўли билан улушини қўпайтириши ўз-ўзидан биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкасининг ўлчамини ўзгартиришга асос бўлмайди;

уй-жой мулкдорларидан бири уй-жойнинг ўзига тегишли қисмини ўзга мулкдорга ўтказганда, шунингдек, уй-жойнинг бир қисми воорислик тарзда ўзига ўтганда ер участкасидан фойдаланиш тартибини янгидан белгилашга, фақат бу тартиб бошқа мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлмаган тақдирдагина, йўл қўйилади;

турар жой мулкдорларининг бири иморатнинг ўзига тегишли бўлган қисмини ўзга шахс фойдасига ўтказганда, ер участкасидан фойдаланишнинг илгаридан ўрнатилган тартиби янги мулкдор учун ҳам мажбурийдир.

22. Агар ер участкасини бўлиш имкони бўлмаса, суд даввони рад қилади ва тарафларга ердан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақида давво қилиш ҳуқуқини тушунтиради.

23. Биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкасини бўлиш ёки ундан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги низолар бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида:

хар бир тарафга қолдирилладиган ер участкасининг майдони ва чегаралари;

биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкаларининг майдони ва чегаралари;

ер участкаларидан турар жойга, ёрдамчи иморатларга ва қурилмаларга ўтиш жойининг майдони ва чегаралари ҳамда бошқа эътиборга молик маълумотлар кўрсатилиши шарт.

24. Судлар Ер кодекси 36-моддасининг 6-11-бандларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиш масаласи Ер кодексининг 38-моддасига мувофиқ, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органнинг ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан оголхатландирганидан кейин туман (шаҳар) ҳокимига ер участкасини олиб қўйиш ҳақида киритилган тақдимномаси асосида туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ва ер майдонини олиб қўйиш ҳақидаги давво аризасига биноан суд тартибда ҳал этилишини инобатга олишлари лозим.

Судларга тушунтирилсинки, агар давво аризасида ер участкасини олиб қўйиш (ер ижара шартномасини бекор қилиш) талаби билан бирга ушбу ер участкасини захирага олиш (захирага қайтариш) талаби ҳам қўйилган бўлса ёки алоҳида талаб сифатида ер участкасини захирага олиш (захирага қайтариш) талаби берилган бўлса, қонунчиликка кўра ер участкала-

рини захирага олиш (захирага қайтариш) судларнинг ваколатига кирмаслиги сабабли ушбу талаб бўйича иш юритиш тугатилиши лозим.

Агар судга ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш (ер ижара шартномасини бекор қилиш) талаби билан бирга ер участкасини олиб қўйиш талаби қўйилган бўлса, ҳар икки талаб алоҳида номулкий талаб ҳисобланиши лозим.

Бу тоифадаги ишларни кўришда судлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжат (ҳоким қарори, савдо баённомаси, шартномаси ва бошқалар) тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, ер участкасига бўлган ҳуқуқ юзгага келганлигини текширишлари лозим.

Агар ер участкасига бўлган ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, судлар ҳуқуқ юзгага келмаганлиги асоси билан ҳуқуқни бекор қилиш талабини рад этиб, ер участкасини олиб қўйиш талабини қаноатлантириши лозим.

Судларнинг эътибори, агар ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тўғрисида давво берилганда мазкур давво талаби Ер кодексининг 91, 91<sup>1</sup>-моддаларига асосан кўриб чиқилишига қаратилсин.

25. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ер кодекси 38-моддасининг иккинчи қисмига асосан Кадастр агентлиги органлари ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан хабардор қилгандан кейин ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ҳақида судга давво аризасини киритиши, башарти низоли ер участкасига нисбатан ер ижара шартномаси мавжуд бўлмаган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

26. Судлар фермер ҳўжаликлари билан ер участкаси ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда Фуқаролик кодексининг 384-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер ҳўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) талабларига риоя қилинганлигини текширишлари лозим.

27. Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни олди-соти, ҳақда, гаров, ўзбошимчилик билан тузилган алмаштириш шартномалари, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартиб бузилган ҳолда тузилган иккиламчи ижара шартномалари ФКнинг 116-моддасига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади.

Бундай шартномалар ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигидан келиб чиқиб, Фуқаролик кодекси 113-моддасининг учинчи қисмига кўра судлар ўз ташаббуслари билан шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашга ҳақли эканлигини инобатга олишлари лозим.

Шу билан бирга, Ер кодекси 24-моддасининг саккизинчи қисми мазмунига кўра ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ушбу ер участкасини ижарачиси томонидан фақат ўзига кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкинлиги инобатга олиниши керак.

28. Судларга тушунтирилсинки, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи дастлабки ҳужжат бекор қилинган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган бўлиб, бироқ низоли ер участкаси амалдаги эгаси (фойдаланувчисининг ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжати ўз кучида бўлса, уни ушбу ер майдонидан мажбурий тартибда чиқариш учун асос бўлмайди.

Бундай ҳолатда судлар даввогага амалдаги эгаси (фойдаланувчисининг ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатини низолашиш ҳуқуқини тушунтиришлари лозим.

29. Судларга тушунтирилсинки, давво аризасида ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкасини қайтариш ва уни яроқли ҳолатга келтириш сўралганда, улар битта талаб сифатида баҳоланади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш уни ўзбошимчилик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

30. Сервитутни белгилашни талаб қилган шахс ва ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори сервитут тўғрисида ўзаро келиша олмасалар, унда сервитут чекланган тарзда манфаатдор шахсининг даввоси бўйича суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланади.

31. Судларнинг эътибори Ер кодексининг 30-моддасига асосан сервитутнинг муҳим шarti бундай ҳуқуқни ўрнатишни талаб қилган ер участкасининг мулкдори, эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси ва ижарачисининг ўзанинг участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини ўрнатмасдан туриб, тегишли эҳтиёжларини қондириш имкониси эканлигига қаратилсин.

32. Сервитут белгилашни ва унинг шартлари хусусидаги ишларни ҳал қилишда, судлар ваколатли органларни ишга жалб этиш ҳамда мутахассиснинг фикри, тушунтиришларини олиш масаласини муҳокама қилишлари лозим.

Сервитут белгилашни билан боғлиқ (Ер кодекси 30-моддаси иккинчи қисми) харажатлар даввогар зиммасига юклатилиши судларга тушунтирилсин.

33. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилмаган (реализация қилинмаган), шу жумладан, берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегаралари ваколатли органлар томонидан натурада (жойининг ўзида) белгиланмаган, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар олинмаган ҳолда фой-

даланилган ер участкаси ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаси ҳисобланади.

Ўзбошимчилик билан эгаллаб турган ер участкаларини қайтариш ва ундаги қурилмани буздириш тўғрисидаги ишларда келишув битими ёки медиатив келишув тузишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, судлар бу тоифадаги ишларни кўришда давлат ҳокимияти органининг давводан воз кечиши қонунчилик ҳужжатларига зид келмаслигини аниқлашлари лозим.

Судларга тушунтирилсинки, Ер кодексининг 91<sup>1</sup>-моддасига кўра, ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкасига, шунингдек, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган, қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкасида барпо этилган ҳар қандай бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа мулккий ҳу

